

**Камолиддин Бехзод номидаги  
Миллий рассомлик ва дизайн  
институти “Мультфильм ва  
компьютер мультипликацияси”  
мутахассислиги II-курс  
магистранти Ҳайдарова Нигора**

## **БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА АНИМАЦИОН ФИЛЬМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

Эндиликда инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисмига айланган мультипликация санъати ҳозирги пайтда ёш авлод онгига тез таъсир этиб, унда эзгу ҳислар уйғотадиган, маънавий оламини бойтадиган санъат турларидан бири бўлиб қолди. Айни чоғда ушбу санъат бола шахсининг шаклланиши ва камолга етишига ёрдам берадиган тарбиячи сифатида эътибор қозонди. Анимацион кино рассоми бирор персонаж яратар экан, у образнинг ташқи жиҳатларига эътибор қаратиш баробарида, тасвирланаётган қаҳрамоннинг характери орқали ўзининг фикри ва туйғуларини томошабинга етказишга ҳаракат қилади. У дастлаб ғояга мос мавзу танлайди, воқеа композициясини қуради, шу йўлда изланади, қаҳрамонга мос инсонни кузатиб, эскизлар чизади ҳамда сюжет воқеаларини яратади.

Ўзбек мультипликацияси адабий асарлар, халқ оғзаки ижоди, анъанавий жанрлардаги эртақлар асосида яратилиб келинмоқда. Ушбу санъатнинг ўзига хос хусусияти ва томошавийлиги шундаки, у тасвирий воситалари ва ташқи кўриниши билан ҳам маънавий-эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан маданиятни юксалтиришга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, кино санъатини ривожлантиришга доир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Президентимизнинг 1992 йил 9 мартдаги Фармони билан кино соҳасининг алоҳида тармоқ тизими сифатида қайта тикланиши, 1996 йил 29 апрелдаги Фармони билан “Ўзбеккино” ДАК тузилиши натижасида анимация санъати

хам аста-секин қаддини ростлай бошлади. Мультфильмларда миллий характер, миллий қахрамонлар образини яратишга, мавзу ва жанр хилма-хиллигига эътибор кучайди. Қолаверса, 2004 йил 16 мартда қабул қилинган “Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони мультижодкорлар учун янги имкониятлар эшигини очди. Хусусан, юксак савияли мультфильмлар яратилиши учун ажратилаётган маблағлар ҳажми янада оширилди. Соҳага кўрсатилаётган эътибор ва яратилган имкониятлар натижасида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга мос қатор мультфильмлар яратилди.

Дарҳақиқат, болаларнинг беғубор олами, дунёқарашини мунтазам бойитиб бориш ҳар доим ҳам муҳим масала. Уларнинг тоза қалбига эзгулик, инсонийлик, меҳр-оқибат туйғуларини сингдиришда эртак ва мультфильм қахрамонларининг ўрни бекиёс. Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи, фарзандларимизни яхшиликка, эзгуликка, меҳрибон бўлишга, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, яратувчанлик каби ижобий хислатларга ундовчи миллий мультфильмлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек мультипликация санъатини шакллантиришга Ю.Гриднев, В.Ступаков каби рассомлар, Д.Салимов, Қ.Камолова, З.Ройзман каби режиссёрлар салмоқли ҳисса қўшишган. 1970-йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек мультипликация санъатига Мавзур Маҳмудов ва Нозим Тўлахўжаев, Дмитрий Власов сингари истеъдодли ижодкорларнинг кириб келиши билан ўзбек анимациясининг мавзуси ва тасвирий ифода услубида ижодий ўзгариш юз берди. Кўп ўтмай, режиссёр Н.Тўлахўжаевнинг умумбашарий мавзудаги “Ёқимли ёмғир ёғади” (америкалик фантаст ёзувчи Рэй Бредберининг шу номли новелласи асосида, рассом С.Алибеков. 1984 й.) мультфильми Лейпцигда ўтказилган Халқаро кинофестивалнинг бош соврини – “Олтин кабутар” билан тақдирланиб, ўзбек анимация санъатини жаҳонга танитди. Кейинги йилларда ўзбек анимация санъати доврўғини оламга таратган “Булбул” (режиссёр ва рассом М.Маҳмудов, 1999) фильми ҳам

экрانشтирилди. Унга XIX асрада яшаб, ижод этган даниялик ёзувчи Г.Х. Андерсеннинг шу номли эртаги асос бўлган.<sup>1</sup> М.Махмудов ушбу эртақ асосида сценарий ёзиб, унга баъзи бир ўзгартиришлар киритди. Яъни Хитой императорининг саройида бўлиб ўтган воқеа – фильмда Марказий Осиёга кўчирилиб, унга ёрқин характерли персонажлар киритилади. Юмор билан суғорилган кўшиқ эса фильмдаги марказий эпизодларга жозоба бағишлаган. Сценарий муаллифи томонидан киритилган ушбу кўшимчалар асар ғоясига асло зарар етказмаган. Аксинча улуғ адиб яратган эртақнинг таъсирчанлигини янада оширган.

Халқаро кинофестивалларда совриндор бўлган Дмитрий Власовнинг “Кулол”, “Оқ товук” анимация фильмларида эзгуликка интилиш, сохта, ясама, чиройни эмас, ҳақиқий, ички гўзалликни улуғлаш асосий ғоя қилиб кўйилган. Жонли куй, юракдан отилиб чиққан хониш, ширали овоз ушбу фильмларнинг таъсирчанлигини янада оширган. Бу ғоя тасвирий экранда мультипликация имкониятлари асосида метафора, бўрттириш орқали очиб берилган. 1999 йилда “Булбул” фильми Москвада бўлиб ўтган болалар анимация киноси Халқаро фестивалининг биринчи мукофоти “Олтин балиқ” билан тақдирланди. Бу каби ўзбек анимацион фильмлари кўплаб халқаро кинофестивалларда, “Олтин гепарт” каби фильмлар танловларида совринлар билан тақдирланди. Афсуски, шундай юксак мукофотларга сазовор бўлган болалар фильмлари ўрнига, ҳозир телеканалларимизда кўпинча хорижий давлатларда яратилган фильмлар намоёниш этилмоқда. Уларнинг ғоявий мазмуни кичик томошабинларнинг тафаккури ва одоб-ахлоқига мос келиши келмаслиги эса эътиборга олинмаяпти. Ҳозир болаларимизга тақдим қилинаётган зўравонликни тарғиб этувчи жангари фильмлар ўзбек менталитетига асло тўғри келмайди. “Жангари” мультфильмлар ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим ёшларнинг катталарга ҳурматсизлиги, безориларга хос хатти-ҳаракати,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар). //Таҳрир хайъати: Ҳ. Караматов, Н. Жўраев, Т. Кўзиев ва бошқалар: Илмий муҳаррир: А. Ҳақимов. – Т.: Шарқ, 2001, - 205 б.

ғалати кийиниши кабилар ғарб фильмлари таъсирида юзага келмоқда. Масалан, “Қизалоқ ва маймоқ” (“Маша и медведь”) мультфильмида қизалоқ айиққа ўз сўзини ўтказиб, уни мазах қилиши кўрсатилади. Бунинг ўрнига, болалар эзгулик руҳи сингдирилган воқеаларни кўрса, дуруст эмасми? Мультфильмдаги кичик лавҳа ҳам болани ҳар қандайҳаракатга бошлаши, келажакда ундан-да, катта фожеаларга сабаб бўлмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Кичик ёшдаги болаларнинг ўзини “жангари” фильмлар қаҳрамонларидек тутиши, кишини ҳавотирга солади. Маънавиятимизга, урф-одатимиз, умумбашарий қадриятларимизга мос мультфильмлар эса болаларимиз онгига Алпомишдек алпқомат, жасур бўлиш, Зумраддек ҳаёли, иболи, меҳрибон бўлиш, ожизларга кўмак бериш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, бева-бечораларнинг оғирини енгил қилиш каби инсоний фазилатларни сингдиради.

Режиссёр Н.Тўлахўжаевнинг олти қисмдан иборат “Алпомиш” анимацион фильми машҳур дoston воқеалари асосида яратилган бўлиб, у болалар тафаккурини бойитишда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. “Алпомиш” минг йил аввал аждодларимиз яратган, оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган дoston бўлиб, унинг қаҳрамони умумлашма образдир. Шу дoston асосида мультбирлашмада суратга олинган “Алпомиш” йирик эпик фильмида абадий умумбашарий қадриятлар – ватанга муҳаббат, садоқат ва соф севги ҳақида ҳикоя қилинади. Айтиш лозимки, бу ҳолат миллий меросимизнинг анимация санъати орқали келгуси авлодларга етиб боришини таъминлайди. Ҳамжихатлик ва уюшқоқлик, эл-юртига содиқлик ва эзгу муҳаббат ғоялари сингдирилган “Алпомиш” дoston-фильми эртак жанрида суратга олинган. Унда фалакдан учиб тушган инсон қиёфасидаги фаришта ўтмишдан, Қўнғирот-Бойсун аҳли ҳаёти ва кечмишидан, икки ёш-Бойбўрининг ўғли Ҳалимбек-Алпомиш ва хон Бойсарининг қизи Ойбарчинларнинг пок севгисидан ҳикоя қилади. Қўлидаги торини чертиб, ўз эртагини бошлаган бу рамзий персонаж ўтмишни ҳозирги кун билан боғлаб тургандек. Мультфильм кинонинг шундай бир турики, у бошдан-оёқ рассом

қўли билан яратилади. Агар адабий асар, бадиий умумлашган ва лўнда ифода этилган гоё рассом фантазиясига қанот бағишласа, у жонли ва ишонарли мультфильм яратади. Ҳеч қачон эскирмайдиган адабий мавзулар, янги, тасодифий, ғаройиб вазиятлар, истиора, ўхшатишларга бой, муболағали поэтик асарлар мультипликациянинг муваффақияти учун асос саналади.

Эришилаётган муваффақиятларни таъкидлаган ҳолда, айтиш жоизки, мамлакатимиз мультижодкорлари яратган фильмларнинг барчаси ҳам бадиий жиҳатдан бирдай юксак эмас. Шунинг учун фарзандларимиз хорижнинг жангарилик, зўравонлик сингари иллатлар тарғиб қилинган мультфильм ва ўйинларига кўпроқ маҳлиё бўлишмоқда. Болаларда эса ёшлиқдан халқ ва юрт тақдири учун фидоийлик туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун фарзандларимизни болалигидан нарсалар олами билан таништиришнинг миллий анъаналаримизга хос шаклларидан кенгрок фойдаланиш лозим. Болаларимизнинг миллий турмуш тарзимизга ёт жангари ўйинчоқлар, мультфильмлар, кинофильмлардан узоқроқ тутиш, телеэкранда шундай сериаллар намойиш қилинаётганда уларни бошқа юмушлар билан банд қилиб қўйиш лозим. Шарқона одоб ва башариятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоқлар, расмли китобчалар, миллий эртақлар асосида яратилган мультфильмлар болаларда ёшлиқдан мафкуравий қарашларнинг тўғри шаклланишида қўл келади. Масалан, “Зумрад ва Қиммат”, “Ёрилтош”, “Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари” каби қатор эртақлар орқали болаларда яхшилик қилишга интилиш, ёмонликка нафрат туйғуларини тарбиялаш, адолат тантанасига ишонч ҳиссини уйғотиш мумкин. Болалар учун яратилаётган ҳар бир асар мурғак қалбларнинг маънавий оламини бойитишга, эзгулик, инсонийлик каби олий хислатларга ошно этишга хизмат қилмоғи лозим. Шу боис фарзандларимиз қандай эртақ эшитиб, қандай мультфильм кўраётганига доим эътибор беришимиз зарур.

Эртақлар ҳаётга энди қадам қўя бошлаган кичкинтойлар тезда ўзлаштириб оладиган, образлари ёрқин талқин этилган, яхши-ёмоннинг

чегараси аниқ ажратилган адабий жанрдир. Эртақ қанчалик аниқ ва равшан бўлса, улар болаларга шу қадар кучли таъсир қилади.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни мавжуд хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини болалар тарбияси масалаларига қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга даъват этиши ҳар қачонгиданда муҳимдир. Бугунги ахборот асрида асосий эътиборни миллий маҳсулотларни кўпайтириш, хориждан кириб келаётган турли мультфильмлардан ҳимояланишга қаратиш ва шу асосда ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш лозим.

**Илмий ишлар проректори**

**Илмий раҳбар**

**Г. Қаршиева**

**Д. Раҳматуллаева**